

ТАЛАБАЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҚЛАР ХУСУСИДА



Мухайё Носировна РАУПОВА

Ўқитувчи

1-чи инглиз филология факультети

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

uswu@yandex.com

Аннотация

Муаллиф инглиз тилини ўқитишида коммуникатив (мулоқот) компетенцияни ривожлантиришни гаплашиш қўникмасини ўстириш билан боғлаб олиб бориш масаласини ўргангандиши. Ўқитишининг асосий мақсади, пировардида, талабанинг тили ўрганилаётган мамлакат ҳақидаги билимлари асосида тил соҳиби билан ҳеч қандай қийинчиликсиз мулоқат олиб боришига йўналтирилган.

Калит сўзлар: компетенция; қўникма; вербал; невербал; гапириш; лингвокультурологик компетенция.

О СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ УПРАЖНЕНИЯХ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ РЕЧИ СТУДЕНТОВ

Мухайё Носировна РАУПОВА

Преподаватель

Факультет 1-ой английской филологии

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

uswu@yandex.com

Аннотация

Статья посвящена развитию коммуникативной компетенции при обучении английскому языку на примере развития умений и навыков говорения. Цель обучения главным образом нацелена на то, чтобы студент мог общаться с носителем языка без каких-либо затруднений на основе знания страны и традиций изучаемого языка.

Ключевые слова: компетенция; навыки; вербальный; невербальный; говорение; лингвокультурологическая компетенция.

ON SPECIALIZED EXERCISES FOR IMPROVEMENT QUALITY OF STUDENT'S SPEECH

Mukhayeo Nosirovna RAUPOVA

Teacher

Faculty of the 1st English Philology

Uzbekistan State University of World

Languages

Tashkent, Uzbekistan

uswu@yandex.com

Abstract

This article is devoted to the development of communicative competence in teaching English by developing the ability and skill of speaking. The aim of the training is mainly aimed at the knowledge of the country of the studied language and ultimately the student could communicate with the native speaker without any difficulty.

Keywords: competence; skill; verbal; non-verbal; speaking; linguoculturological competence.

Сўнгги йилларда хорижий тилларни ўргатишда бошқа компетенциялар қатори маданиятлараро коммуникатия компетенцияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу компетенцияга эга бўлишга ўргатишдан асосий мақсад талабани чет тилини равон ва эркин кўллашга ўргатиш ҳисобланади. Бунга эришиш осон кечмаслиги ҳаммага маълум. Ўқитувчи талабага нафақат сўз ва ибораларни тўғри талаффуз қилишни, грамматикани, инглиз тилининг оҳанг хусусиятларини, балки тўртта муҳим кўнікмалардан бири – талабанинг тил ўрганиш соҳасида ютуққа эришганини кўрсатувчи кўнікма – гапиришга ўргантишни ҳам назарда тутади. Гапиришга ўргатишни саналган кўнікмалар ичida энг муҳими ва сўнгги босқичи деб ҳисоблаш мумкин. Гаплашиш фақат нутқни, вербал ҳодисани эмас, балки новербал ҳодисани ҳам назарда тутади. Талабанинг инглизлар тушунадиган, инглизлар маданиятининг бир қисми шаклида қабул қилинган мимика, кулгу, имо-ишора ва шу каби паралингвистик воситаларни ҳам ўзлаштириши мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда лингвокультурологик компетенция ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки инглиз тилида сўзлашадиган талаба мамлакат ҳақида, унинг урф-одатлари, анъаналари, байрамлари, давлат тузилиши, маъмурий бўлиниши, географияси, истеъмол қиласидаги таомлари, уларнинг номларини ҳам яхши билиши лозим. Маданият ҳақида маълумотга эга талабада мазкур маданиятга муайян муносабат шаклланади, бу эса ўз навбатида тил ўрганиш учун унда иштиёқ ва қизиқишини уйғотади. Филология йўналишида талabalарда лингвокультурологик компетенция иккинчи курсда том маънода улар “Мамлакатшунослик” фанидан маъруза эшитиб, семинар ёки амалий машғулотларга тайёргарлик кўраётганларида бошланади. Тўғри, унгача ҳам муайян матнларда лингвокультурологик хусусиятлар акс этади, чунки дарсликларнинг аксарияти инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда чоп этилганлигининг ўзи ҳам талabalарда лингвокультурологик компетенциянинг ҳосил бўлишига замин яратади.

Юқорида тилга олинган компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган машқлар талабаларда оғзаки нутқни ривожлантиришга хизмат қиласди.

Анъанавий оғзаки нутқ муайян бир мавзуга асосланган ҳолда олиб борилади. Талабаларда коммуникатив ва лингвокультурологик компетенциялар шакланаётган даврда тегишли машқлардан ўринли фойдаланиш катта самарага эришиш имкониятини беради. Танланган мавзулар қизиқарли, кундалик ҳаёт билан ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан бевосита боғлиқ бўлиши лозим. Бундан ташқари, бирор машқ беришдан олдин талабаларни бунга тайёрлаш зарур. Амалиёт ўқитувчисини фанлараро алоқани ўрнатиш учун “Мамлакатшунослик” фанидан маъруза ўқийдиган ўқитувчи билан мавзуни кетма-кетлиқда берилишига эришилади. Бу ерда бирданига иккита мақсадни амалга ошириш мумикн. Дейлик, талабалар “Мамлакатшунослик” фанидан “Geography and Administrative Division of Great Britain” мавзуси билан танишдилар. Маърузада талаба инглиз тилида Буюк Британия ҳақида маъруза тинглаб, инглиз тили амалий дарсида ана шу ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва у ҳақда гапириш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун “warm up” машқларини бажариб, нутқда кўлланадиган сўз ва иборалар бир сидра кўриб чиқилади. Бунда куйидаги сўз ва сўз бирикмаларига эътибор қаратилади:

Geography, border on, county, west, east, north, south, capital, borough, region, continent, Gulf Stream, London, Edinburg, Cardiff, Belfast, industrial, monarch, Queen ва бошқалар. Бу расм, тақдимот кўринишида, аудио-визуал шаклда бўлиши мумкин. Бу ўқитувчининг ихтиёрида ва дарснинг мақсадига мос келиши керак.

Оғзаки нутқни ривожлантириб, коммуникатив ва лингвокультурологик компетенцияларни шакллантириш учун қуйидаги машқларни таклиф этамиз.

Биринчи машқ ёки топшириқ. Талабаларга Буюк Британиянинг харитасидан бирор шаҳар кўрсатилади ва мазкур шаҳар ҳақида нималарни билиши сўралади. Тақдимотдан сўнг талабалар савол билан мурожаат қиласдилар. Аввал монолог сифатида кириш, ундан кейин диалог тарзida машқ ташкил этилади.

Иккинчи машқ ва топшириқ. Талабаларга monarch, Queen, written law, reign, rule сўzlари берилиб, улардан унинг изохи сўралади. Сўзлар изохлаб бўлингач, талабалар жуфт-жуфт бўлиб мавзу бўйича савол-жавоб ўтказишлари сўралади.

Масалан:

A monarch – a sovereign head of state, especially a king, queen, or emperor.

- Example: Who is the Queen of the United Kingdom of Great Britain and Northern Ireland?
- How many years does she reign her country?

Талабалар нутқини ривожлантириш учун уларни сўзнинг маъноларини изоҳлашга ўргатиш лозим. Бунда бир тилли, яъни талабаларга мўлжалланган ўкув лугатлари катта самара беради.

Ёки қуидаги шакллардан нутқни ўстиришда фойдаланиш мумкин. Битта талаба шакл ёки анкета тўлдиради, иккинчиси эса, у ҳақда учинчи шахсда сўзлаб беради. Учинчи талаба эса қўшимча саволлар беради. Исл –инглизча, мамлакт номи – Буюк Британия, касби – инглизлар учун хос бўлган, масалан, банкир ва ҳоказо, шаҳар – Англияning бирорта шаҳри, овқат – инглизларнинг севиб тановвул қиласиган таом номидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

исми	
мамлакат номи	
касби	
шаҳар	
овқат	

Учинчи машқ ва топшириқ. Буюк Британия харитаси устида ишлаш давом эттирилади. Бунда шаҳар ва графликларнинг номлари алифбо тартибида навбатма-навбат айтилади.

Cities and Counties

- P1 London
- P2 Norwich
- P3 Cheshire
- P4 Edinburgh
- P5 Hampshire

Тўртинчи машқ ва топшириқ. Бу машқ ва топшириқ аввалги машқнинг мантиқий давоми бўлиб, унда айтилган шаҳар ва гарфликлар қаерда жойлашганлиги харитадан кўрсатилади ва у ерлар нима билан машҳурлиги ҳақида маълумот берилади.

Масалан: Manchester is a city in Great Britain.

Where is situated, show it on the map?

It is situated ...

Бешинчи машқ ва топшириқ. Инглиз шаҳарларининг худуди ва аҳолиси ҳақида савол-жавобга асосланган машқларни ўз ичига олади. Бунда

шахарларнинг фотосуратларидан фойдаланиш тавсия этилади. Ҳар бир расмни талаба изоҳлаши ва шарҳлаши лозим.

Юқорида тилга олинган машқларни шу тарзда давом этириш мамлакат хақидаги маълумотни кўпроқ билиш ва натижада бир пайтнинг ўзида ҳам коммуникатив, ҳам лингвокультурологик компетенцияларни ривожлантириб, хорижий тилдаги нутқнинг шаклланишига, ривожланиши, равон ва эркин давом этишини таъминлашга хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алхазишвили А.А. Основы овладения устной иностранной речью. – М.: Просвещение, 1988. – 334 с.
2. Бим И.Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблемы школьного учебника.— М.: Просвещение, 1977. – 278 с.
3. Бухбиндер В.А. Устная речь как процесс и как предмет обучения //Очерки методики обучения устной речи на иностранных языках /Под ред. В. А. Бухбиндера. – Киев: КГУ, 1980. – 568 с.
4. Вайсбурд М.Л. Типология учебно-речевых ситуаций //Психолого-педагогические проблемы интенсивного обучения иностранным языкам. – М.: МГУ, 1981. – 38 с.